

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M.**
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI
TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR.....362
- 46. Муминов А., Норов Ш.**
ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ.....367
- 47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж.**
АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ).....373
- 48. Мўминова Г.Э.**
ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ
ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....379
- 49. Муталлибжонов М.М.**
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ
ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ.....387
- 50. Нафиддинова Х.Р.**
БУХОРО ТҮЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.....392
- 51. Норматов О.**
ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР...398
- 52. Нурматова М.М.**
ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА
ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....405
- 53. Пардаев А.А.**
ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР
(1989-2019 ЙИЛЛАР).....410
- 54. Примова Ф.А.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА
ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ
ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....416
- 55. Расулов А.М.**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ.....424
- 56. Расулов Ҳ.М.**
ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ
КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ.....429

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 57.Рахматова Н.М.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN
SHANXAУ NAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождинова М.**
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТЎРАНИНГ "МУНТАХАБ
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Рахматова Нилуфар Мустақимовна,
Навоий давлат педагогина
институту мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ 90 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

For citation: Rakhmatova Nilufar Mustaqimovna. FROM HISTORY OF PRIVATIZATION AND ENTREPRENEURSHIP IN UZBEKISTAN (In the 90s of the 20th century). Look to the past. 2020, SI, pp.437-443

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-57>

АННОТАЦИЯ

Совет давлати ҳукмронлиги йилларида тадбиркорлик билан шуғулланиш қатъиян тайзиқ остига олиниб, ноқонуний дея баҳоланди, ўтроқ турмуш тарзи билан шуғулланиб, ўз анъана ва қадриятларига эга бўлган, тадбиркорлик қадимдан қонига сингиб кетган ўзбек халқи - бешиксозлик, махсидўзлик, дурадгорлик, темирчилик, каштачилик, қолаверса, қийиқча, жияк, тўн-чакмон тикиш каби турли вазифаларни олиб борганликлари сир эмас. Мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистонда ушбу анъаналарни тиклаш ва тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятлар яратилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан аста-секинлик билан бўлсада, тадбиркорлик асосларига қайтадан тамал тоши қўйилди.

Мазкур мақолада мулкни хусусийлаштириш, шу орқали тадбиркор-ликни ривожлантиришга хизмат қилувчи шароитлар яратилганлиги, уй-жой фонди, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш соҳаларини ривожданиши учун шароитлар яратилганлиги таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: мулкни бошқариш, хусусийлаштириш, қўмита, функция, тадбиркорлик, шахсий ёрдамчи хўжаликлар, ҳунармандчилик, касаначилик, мулкдорлар синфи, кичик бизнес, кредит, эркинлаштириш, чуқурлаштириш, мувофиқлаштирувчи кенгаш

Рахматова Нилуфар Мустакимовна,
Навоийская государственная педагогика
Независимый научный сотрудник института

ИЗ ИСТОРИИ ПРИВАТИЗАЦИИ И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ (В 90-Х ГОДАХ 20 ВЕКА)

АННОТАЦИЯ

Во время правления Советского Союза предпринимательская деятельность была строго подавлена и считалась незаконной. Не секрет, что узбекский народ со своими собственными традициями и ценностями, предпринимательством, занимался различными видами деятельности, такими как вязание крючком, столярное дело, кузнечное дело, вышивка, а также вязание крючком, вязание и шитье. За годы независимости у Узбекистана появилась возможность возродить эти традиции и заняться предпринимательством. Хотя с первых лет независимости медленно, но основы для предпринимательства были заложены. В этой статье анализируются различные источники, которые создают условия для развития частной собственности, тем самым развивая предпринимательство, жилье, торговлю, местную промышленность, услуги и сельскохозяйственное производство.

Ключевые слова: управление имуществом, приватизация, комитет, функция, предпринимательство, частные фермы, ремесла, домашний, классы владельцев, малый бизнес, кредит, либерализация, углубление, координационный совет.

Rakhmatova Nilufar Mustaqimovna,
Navoi State Pedagogy
Independent researcher of the Institute

FROM HISTORY OF PRIVATIZATION AND ENTREPRENEURSHIP IN UZBEKISTAN (IN THE 90S OF THE 20TH CENTURY)

ABSTRACT

During the reign of the Soviet Union, entrepreneurial activity was severely suppressed and considered illegal. It is no secret that the Uzbek people, with their own traditions and values, entrepreneurship, was engaged in various activities, such as crocheting, carpentry, blacksmithing, embroidery, as well as crocheting, knitting and sewing. Over the years of independence, Uzbekistan has the opportunity to revive these traditions and engage in entrepreneurship. Although from the first years of independence, slowly, but the foundations for entrepreneurship were laid. This article analyzes various sources that create the conditions for the development of private property, thereby developing entrepreneurship, housing, trade, local industry, services and agricultural production.

Index Terms: property management, privatization, committee, function, entrepreneurship, private farms, crafts, home, owner classes, small business, credit, liberalization, deepening, coordination council.

Долзарблиги. Тадбиркорлик, тадбиркорлик билан шуғулланиш масаласи совет даврида ҳукмрон коммунистик мафкура, иқтисодий ҳаёт жабҳасида устувор бўлиш "режали иқтисодиёт" мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда "капиталистик

тузум" унсури унинг узвий бўлаги сифатида ман этилган масалалар сирасига кирар эди. "Режали иқтисодиёт" тадбиркорликни тан олмайдиган, уни хатарли ва зарарли инфратузилма дея эътироф этар эди. Қайд этиш керакки, тадбиркорлик билан боғлиқ ҳар қандай ташаббус, саъй-ҳаракат мавжуд тузум стратегиясига ҳилоф масала сифатида баҳоланар эди. Совет ҳукмронлиги даврида тадбиркорликка интилиш қатъиян тайзиқ остига олиниб, у ноқонуний ҳол деб ҳисобланарди, лекин ўтроқ турмуш тарзи анъаналарига эга бўлган, қадимдан қонида тадбиркорлик мавжуд бўлган ўзбек халқи ўз маиший турмуш тарзида тадбиркорликнинг у ёки бу унсурларини амалий ҳаётга жалб этган эди. Масалан, шаҳарларда ёки йирик қишлоқларда анъанавий ҳунармандчилик турлари - бешиксозлик, махсидўзлик, дурадгорлик, темирчилик, каштачилик, қолаверса, қийиқча, жияк, тўн-чакмон тикиш усуллари сақланиб қолган бўлса, маҳаллаларда истиқомат қилувчи шаҳарлик туб аҳоли орасида қандолатпазлик, новвойлик сомсапазлик ва бошқалар орқасидан кун кўрувчи оилалар ҳам кам эмас эди. Ундан ташқари, маҳаллий аҳоли орасида кўрпа-кўрпача қавиш, сут-қатиқ ивитиш, тикувчилик, кўнчилик, заргарлик ва бошқалар билан машғул бўлиши ҳоллари ҳам мавжуд эди. Мазкур ҳоллар ўз навбатида табиийки, маҳаллий аҳолининг ўз турмуш тарзларини яхшилашга бўлган табиий интилишларини ўзида жо этар эди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик тизимлилик холислик тамойиллари шунингдек, муаммога цивилизацион ёндашув ҳамда қиёсий таҳлил усуллари асосида ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистонда кўп укладли, иқтисодиёт давлат мулкани хусусийлаштириш жараёни 1990 йилда республика ҳукумати тавсияси остида маҳаллий саноатда 3 та хусусий корхона ташкил этилиши билан бошланган эди[1]. Шубҳасиз, хусусийлаштириш тадбиркорликни ривожлантиришда, уни давлат томонидан назорат этилиши бу жараён маълум гуруҳлар монополиясига суяниб қолмаслиги, чек воситаси (ваучер) билан хусусийлаштиришдан воз кечилганлиги масалага дастурий ёндашув, буни босқичма-босқич амалга ошириш билан изоҳланар эди.

Мустақиллик эълон қилиниши билан бу жараён собит қадамлик билан давом эттирилди. Хусусан, 1990 йил 18 ноябрда республика Олий Советининг навбвтдвги сессиясида мулкни "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Унга кўра мулкчилик шаклларини ўзгартириш соҳасидаги ишлар республика ҳамда ҳудудий мақсадга босқичма-босқич тўлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган махсус дастурлар асосида амалга оширилишини қатъий белгилаб қўйилди[2]. Аввал бошда хусусийлаштириш жараёни уй-жой фонди, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалик махсулотларини тайёрлаш соҳаларини қамраб олди. Масала моҳиятини қуйидаги рақамлар орқали ҳам таҳлил этиш мумкин. Масалан, 1992-1993 йилларда 28846 нафар юридик шахс 53902 та хусусий объект эгаси бўлди. Бу рақамлар вақт ўтгани сари эса ошиб бораверди[3]. 1992-1993 йилларнинг ўзида 1 млн. квартира хусусийлаштирилди. Бу шаҳарлардаги 5 млн.га яқин шахслар ўз уйлари мулкдорларга айланганидан дарак берар эди. 1992 йил феввалида давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш Давлат қўмитасининг ташкил этилишида юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазалар мантиқий жавоб сифатида юзага келган орган бўлиб ҳисобланарди. Ушбу Қўмита 1994 йили функциялари такомиллашгани ҳолда у Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат

қўмитасига айлантирилди[4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисидаги 1995 йил 5 январдаги фармони истиқлолнинг дастлабки вақтларидан бошланган иқтисодий йўлни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш борасида муҳим қадам бўлди[5]. Унинг сабаби 1989 йилдаёқ бошланган шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш жараёни шу вақтга келиб ўз самарасини бера бошлаган эди. (Масалан, томорқага ер ажратиш, хунармандчилик, касаначиликка эътибор бериш ва ҳоказо). Масалан, 1991 йил картошка, тухум, қоракўлнинг 39%, сабзавот ва гўштнинг 50% га яқини, суг ва жуннинг 65% шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳиссасига тўғри келган.

Ушбу хўжаликлар томонидан тайёрланган маҳсулот ҳиссаси бюджетнинг 25% ни ташкил қилган[6]. Ҳукумат томонидан ўша даврда кичик мулкдорлар синфини ташкил қилиш мақсадида 1991-1996 йиллар хусусийлаштиришнинг биринчи босқичи сифатида белгилаб қўйилди. Бу босқич йилларида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун тегишли шароит, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг конституциявий ҳуқуқ ва кафолатларини таъмин этувчи қонунлар қабул қилинди. Бу борада Олий Мажлис таркибида ташкил этилган "Янги иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш" қўмитаси ҳам қатор амалий ташаббуслар билан чиқди. Натижада 1995 йил охирларига келиб кичик корхона ва микрофирмалар сони 1991 йилга нисбатан 4,5 баробар ўсиб, жами 42,4 мингтани ташкил этди[7]. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Республика ҳукумати томонидан олиб борилган мақсадли иқтисодий сиёсат маълум даражада ўз натижасини бера бошлади.

ЯИМ таркибида кичик бизнес улуши 1991 йилдаги 15 % дан 1995 йилда 16,9 % га бориб етди. Соҳани жадал ривожлантириш мақсадида республика ҳукуматининг 1995 йил 26 июлдаги қарорига кўра шу даврда мавжуд бўлган бизнес фонд эндиликда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди сифатида қайта ташкил этилиши кичик бизнес, тадбиркорлик ривожда яна бир муҳим қадам бўлди[8]. Шубҳасиз, давлат мулкни хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш масалаларида маълум муаммо ва камчиликлар ҳам юзага кела бошлади. Эндиликда бу жараённи, сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш кун тартибига чиқа бошлади.

Шундай вазиятда Республика Президентининг 1994 йил 24 январдаги "Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 1994 йил 16 мартдаги "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги фармонлари катта аҳмият касб этди[9].

Иқтисодий ислохотлар, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иккинчи босқич 1996-2000 йилларни қамраб олиб, ушбу босқичда кенг қамровли хусусийлаштиришишлари амалга оширилди.

1996 йил 12 мартда тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш мақсадида, шу жумладан яқка тартибда меҳнат фаолиятни олиб бораётган жисмоний шахсларни ҳам ҳисобга олиб боориш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ташкилий ишларга ёрдам бериш вазифасини ўз зиммасига олган Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг республика палатаси ташкил этилди. Жойларда ушбу палатанинг ҳудудий бўлимлари ҳам ташкил эҳилинди[10]. 1990-йиллар ўрталарида тадбиркорлик борасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш масалаларига юқорида таъкидланганидек, алоҳида аҳамият бериш бошланди. Зеро,

бозор иқтисодиёти шароитида фақатгина тадбиркорлик, бизнес юритиш фаровон ҳаёт кечириш, давлат иқтисодини жадал юритувчи муҳим звено бўлиб ҳисобланади. 2000-йилларга келиб жисмоний шахсларнинг ўз сармояси негизида 85 мингдан зиёд турли даражадаги корхоналари ташкил қилинди. Хомашё ва тайёр молларни сотиш бўйича 1128 та ярмарка ва савдолар ўтказилди.

Шу даврда тадбиркорлар томонидан жами 512 та қурилиши яқунланмаган объектлар сотиб олинди. Хусусийлаштиришдан тушган бутун маблағнинг 50% республика "Бизнес фонди"га йўналтирилди. Бу эса ўз навбатида фаат фуқароларнинг ўз маблағига асосланган кичик ва ўрта бизнесига, тадбиркорликка кредитлар ажратишга имкон берди. Иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштиришга доир вазифалардан келиб чиққан ҳолда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, давлатнинг бу борадаги сиёсатини тўлақонли юритиш мақсадида Республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг фаолияти кенгайтирилди[11].

1994-2000 йиллар мобайнида кичик бизнес, тадбиркорликни ривожлантириш борасида 20 дан зиёд дастурлар қабул қилинди. 2000 йилга келиб кичик бизнес субъектларининг салмоғи мамлакат ялпи ички маҳсулотигади улуши 31% га етишиохирги 7-8 йилда амалга оширилган ишлар самарасидан дарак берар эди. Лекин, шу билан бир қаторда жаҳон миқёсида бу рақамлар аҳвол катта олқишга сазовор эмаслигини ҳам кўрсатар эди. Масалан, 90-йиллар охирларига келиб бизнеснинг ЯММ ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси АҚШ да 50%, Германияда 48%, Японияда 70%, Буюк Британияда 20%, Африка мамлакатларида 80% гачани ташкил қиларди[12]. Шубҳасиз, "Режали иқтисодиёт"дан эндиликда ҳоли бўлган, ҳали маъмурий буйруқбозлик тузуми асоратларидан батамом қутула олмаган, мураккаб ва зиддиятли ўтиш даврини бошидан кечираётган Ўзбекистон учун бу борада табиий қийинчиликлар ҳам мавжуд эди.

Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни мураккаб бир вазиятда шакллантириш ва ривож топишида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. Каримовнинг хизмати шубҳасиз катта бўлди. Мустақилликнинг дастлабки даврларидан ушбу соҳани ривожлантириш, бозор иқтисодиётига ўтишда ҳуқуқий пойдевор юзага келтириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик кўлами учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида И. Каримов кўплаб амалий ҳаракатлар билан майдонга чиқди. Масаланинг назарий ва амалий жиҳатлари биринчи Президентнинг қатор асарларида ҳам ўз аксини топди[13]. Хусусан, мазкур соҳани ривожлантириш борасида қабул қилинган давлат ва ҳукумат ҳужжатлари, қонунларда унинг катта ҳиссаси мавжуд. Қишлоқ хўжалигидаги бу каби ўзгаришлар ҳам ўзининг самарасини бера бошлаган. Масалан, қишлоқда мулкдорлар синфини юзага келтириш бевосита фермерлик хўжаликларини юзага келтириш билан ҳам боғлиқ бўлди. Республикада фермер хўжаликларининг умумий сони 1992 йилда 6 минг атрофида бўлган бўлса, 1998 йилда уларнинг сони 23 мингга етди. 1995 йил фермер хўжаликлари 308 минг гектар ерга эга бўлган бўлса, 1998 йил уларга 447 минг гектар ер тегишли бўлган. 1998 йилга келиб гўштнинг 90%, сутнинг 92%, сабзавот ва картошканинг 70% дан ортиғи, полиз экинлари ва узумнинг 50% дан кўпроғи, меваларнинг 61% айнан шахсий хўжаликларга тегишли бўлган[14]. Хусусийлаштириш ва кичик бизнесни ривожлантириш жараёни натижасида 90 йиллар охирларига келиб, хусусий корхоналар республикадаги корхоналарнинг умумий сонидан 46% ни, фермер хўжаликлари эса 14% ни ташкил этган[15]. Шу ўринда масалага хулоса тарзида қуйидагиларни такидлаш лозим.

XX асрнинг 80 йиллари охири - 90 йиллар бошида советлар давлатида кечган зиддиятли жараёнлар шубҳасиз, Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатган эди. Бундай мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазиятда И. Каримов бошчилигидаги республиканинг янги раҳбарияти Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари, манфаатларини ҳисобга олган ҳолда уни чуқур тангликдан олиб чиқиш йўлида қатор саъй-ҳаракатларни амалга ошира бошлади. Республика мустақилликка эришганидан сўнг бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, ҳуқуқий жамият барпо этишни ўз олдига стратегик мақсад қилиб қўйди. Бозор иқтисодиёти механизmlарини барпо этиш жараёни шубҳасиз, осон ва тез қилинадиган жараён эмас эди. Мазкур жараён маълум вақт, қийинчилик, зиддиятларни ўз ичига қамраб оларди. Ўтиш даврида эса, бозор иқтисодиётининг муҳим шартибўлмиш хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар синфини юзага келтириш каби долзарб вазифалар турар эди. Республика ҳукумати 1992-2000 йиллар мобайнида бу борада қатор ишларни амалга оширди: тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди, босқичма-босқич хусусийлаштириш ишлари амалга оширилди, соҳада монополизм устувор бўлишига йўл қўйилмади ва ҳоказо.

4. Хулосалар:

Табиийки, тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш борасида ишлар доимо силлиқ кечавермади. Эски тузум асоратларидан холи бўлиш, кенг омма учун номаълум бўлган янги иқтисодий муносабатларга ўтиш, хусусийлаштириш, мулкчилик, мулкдорлар қатламини яратиш борасида маълум субъектив ва объектив сабабларга кўра камчилик ва хатоликлар ҳамсодир бўлди. Кўп ҳолда буйруқбозлик, бюрократик унсурлар жараённинг боришига тўсиқ бўлиб қолар, улар яна ўз навбатида яна бошқа салбий иллатларни ҳам келтириб чиқарар эди. Лекин, унга қарамасдан республика ҳукумати иқтисодий ислохотларни жадал олиб бориб, мавжуд камчиликларни бартараф этган ҳолда хусусийлаштириш ва тадбиркорлик соҳасига алоҳида аҳамият берди. Бу эса 2000 йилдан кейинг республика иқтисодий тараққиётига ўз самарасини намоён қила бошлади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб Мустақил Ўзбекистон тарихи. - Тошкент: Шарқ, 2000. -330 бет. (The modern history of Uzbekistan. The third book is the History of Independent Uzbekistan. - Tashkent: East, 2000. -330 s.)
2. Халқ сўзи, 1991 йил, 19 ноябрь (People's Speech, November 19, 1991)
3. Ўзбекистон мустақиллик йилларида. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -38 бет. (Uzbekistan in the years of independence. - Tashkent: Uzbekistan, 1996. -38 pages)
4. Чжен В.А. Хусусийлаштириш асослари // Иқтисод ва ҳуқуқ, 1996. - 5 бет (Zheng V.A. Basis of Privatization // Economics and Law, 1996. - 5 pages)
5. Халқ сўзи, 1996 йил 6 январь (The People's Speech, January 6, 1996).
6. Мустақил Ўзбекистон тарихи.-Тошкент:Академия, 2013. -298 бет.
7. Мустақил Ўзбекистон тарихи. ... - 299бет. (The modern history of Uzbekistan. The third book is the History of Independent Uzbekistan. - Tashkent: East, 2000. -299p.)
8. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди - Бизнес фондининг 1995 йил июль ойидан 1996 йил июль ойигача йиллик ҳисоботи хабарномаси. - Тошкент, 1996. 1-2 бетлар (8. Private Entrepreneurship and Small Business Support Fund - Notification of Business Fund Annual Report from July 1995

to July 1996. - Tashkent, 1996. Pages 1-2).

9. Халқсўзи, 1994 йил 16 март (People's Speech March 16, 1994).

10. Тадбиркорликка кенг йўл// Иқтисод ва ҳисобот 1997. 12-сон 6-8 бетлар. (The Wide Way to Entrepreneurship // Economics and Reporting 1997. Issue 12 pp.6-8.)

11. Каримов И.А. Бизкелажагимизни ўз кўлимиз билан қурашимиз. 7-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 375 -бет. (Karimov I.A. We build our future with our own hands. Volume 7. - Tashkent: Uzbekistan, 1999. Page 375.)

12. Гофуров У. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари // Иқтисод ва ҳисобот 1997. 11-12 сон 16-18 бетлар (Gafurov U. Large Opportunities for Small Business / Economics and Reporting 1997. pp. 11-12 pp. 16-18.).

13. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Тошкент: Ўзбекистон, 1994; Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т.: Ўзбекистон, 1996; Бунёдкорлик йўлидан. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996; Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998 ва бошқалар (Karimov I.A. Uzbekistan on the way to deepening economic reforms. - Tashkent: Uzbekistan, 1994; The motherland is as sacred as the high place. -T.: Uzbekistan, 1996; On the path to innovation. - Tashkent: Uzbekistan, 1996; For security and sustainable development. - Tashkent: Uzbekistan, 1998 and others.).

14. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб Мустақил Ўзбекистон тарихи. -Тошкент: Шарқ, 2000. -342-343 бетлар (The modern history of Uzbekistan. The third book is the History of Independent Uzbekistan. - Tashkent: East, 2000. -342-343p.)

15. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб Мустақил Ўзбекистон тарихи. ... -343 бет (The modern history of Uzbekistan. The third book is the History of Independent Uzbekistan. - Tashkent: East, 2000. -343p.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000